
НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛДИ

Муҳим сиёсий жараён - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига бўладиган сайловлар бўлиб ўтади. Халқимизнинг ўз муносиб номзодлари учун яқдиллик билан овоз бериб сайловда фаол иштирок этишларини таъминлашда участка сайлов комиссиялари зиммасида катта масъулият борлигини таъкидлаш жоиз. Чунки ҳар бир фуқаро сайловчи сифатидаги ўз ҳуқуқлари ва бурчлари билан яқиндан танишишлари қолаверса сайлов кунида уюшқоқлик билан участкага келиб овоз беришлари ана шу жараёнга кўрилаётган тайёргарлик ишларининг қай даражада олиб борилаётганлигига ҳам боғлиқдир. Риштон туманидаги 1-сонли мактабда жойлашган 369-сайлов участкасида катта ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда. Бу ерда ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш борасида ҳам жиддий эътибор берилди. Ногиронлиги бор шахсларнинг сайловларда иштирок этишлари учун қулай шароитлар яратилди. Хусусан, пандуслар ўрнатилиб уларнинг овоз беришлари учун алоҳида кабина ташкил этилган. Шунингдек, ногиронларини бор кишиларнинг хонадонига бориб уларнинг овоз бериш жараёнида бевосита иштирок этишлари таъминлаш мақсадида махсус гуруҳлар иш олиб боради. Бунинг учун махсус кўтича шай ҳолатга келтирилди. Умуман олганда, ушбу сайлов участкасида барча сайловларни юқори даражада ўтказиш учун тинимсиз меҳнат қилмоқда. Сайлов участкасида сайловчилар рўйхати тўлиқ шакллантирилган бўлиб фуқароларга 22 декабрь кунида бўладиган сайловда иштирок этиш бўйича хабарномалар тарқатилиши тўлиқ яқунланига етди. Сайлов кунида овоз беришнинг уюшқоқлик билан ўтказилиши учун барча чора-тадбирлар белгиланган.

Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2019-12-21 19:03:28